

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ХУШМАТОВ ШУНҚОР САДУЛЛАЕВИЧ

**БИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАРНИНГ КАРДИОМИОЦИТЛАРДА
КАЛЬЦИЙ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖАРАЁНЛАРГА
ТАЪСИРИНИ ТАВСИФЛАШ**

03.00.02 – Биофизика ва радиобиология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Хушматов Шунқор Садуллаевич Биологик фаол моддаларнинг кардиомиоцитларда кальций билан боғлиқ жараёнларга таъсирини тавсифлаш.....	3
Хушматов Шунқор Садуллаевич Характеристика действия биологически активных соединений на кальций зависимые процессы в кардиомиоцитах.....	29
Khushmatov Shunkor Sadullaevich The characteristic of action of biologically active substances on calcium–dependent processes in cardiomyocytes.....	56
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	60

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/B7 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.biochem.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Усманов Пулат Бекмуратович**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Сабиров Равшан Заирович**
биология фанлари доктори, академик

Мирходжаев Улуғбек Закирович
биология фанлари доктори, профессор

Матчанов Азат Таубалдиевич
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент фармацевтика институти**

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K/B/T.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: (99871) 262–35–40; факс: (99871) 262–70–63.

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: (99871) 262–35–40; факс: (99871) 262–70–63, e-mail: asrarov54@mail.ru

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги №____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Салихов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., академик

Б.Н.Бобоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби в. б., к.ф.д.

Ш.У.Турдикулова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда охириги йилларда юрак–қон томир касалликларининг кенг тарқалиши тенденцияси кузатилмоқда, яъни умумий касалликлар ва оламдан ўтиш структурасида етакчи ўринда сақланиши давом этмоқда^{1,2}. Бу ҳолат кўп жиҳатдан ушбу касалликларни даволашда фойдаланилувчи дори воситаларининг такомиллашишдан узоқлиги ва сезиларли камчиликларга эгаллиги билан белгиланади, бу уларнинг терапевтик самарадорлигини ва улардан кенг кўламда фойдаланиш имкониятларини сезиларли даражада чеклайди. Шунга боғлиқ, ҳозирги кунда замонавий кардиологияда аниқ нишонларга йўналтирилган тавсифда таъсир кўрсатувчи ва ортикча салбий таъсирга эга бўлмаган дори воситаларининг янги авлодини яратиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда юрак–қон томир касалликларини даволаш учун янги самарали дори воситаларини яратишнинг замонавий стратегияси ушбу касалликлар патогенези асосида ётувчи молекуляр механизмлар ҳақидаги фундаментал билимларга асосланади. Бунда юрак касалликларининг ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлган асосий молекуляр нишонларнинг фармакологик табиати ва хоссалари ҳақидаги маълумотлар муҳим роль ўйнайди. Шунга боғлиқ, миокардда кўпгина патологик жараёнлар ривожланиши билан боғлиқ бўлган, кардиомиоцитларда Ca^{2+} –транспорт тизимларининг функцияси бузилишининг фармакологик регуляция механизмларига ойдинлик киритиш биринчи ўринда туради. Бу вазифаларни ҳал қилиш кардиомиоцитларда Ca^{2+} –транспорт тизимларининг фармакологик регуляциясининг янги ёндашувларини аниқлаш имконини беради ва юрак–қон томир касалликларини даволаш ва олдини олишда тамойил жиҳатидан янги адекват услубларни ишлаб чиқишни таъминлайди.

Республикамизда фармацевтика саноатининг динамик ва барқарор ривожланишини таъминлашга йўналтирилган бир қатор дастурлар қабул қилинган. Бу борада маҳаллий ўсимлик хомашёси асосида ишлаб чиқарилган сифатли ва ҳавфсиз дори воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4–йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган³. Бу борада жумладан, юрак–қон томир касалликларини даволаш учун таркиби потенциал фармакологик фаолликка эгаллиги билан тавсифланувчи кенг кўламдаги бирикмалардан ташкил топган маҳаллий

¹ Heart disease and stroke statistics – 2017 update: A report from the American heart association // [Электрон ресурс]. Режим доступа: <http://circ.ahajournals.org/content/135/10/e146> Дата обращения: 15.08.2017 г.

² M.Nichols, N.Townsend, P.Scarborough, M.Rayner. Cardiovascular disease in Europe 2014: Epidemiological update // European Heart Journal. – 2014. – Special article. – P.2–10.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» // [Электрон ресурс]. Режим доступа: http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036 Дата обращения: 15.08.2017 г.

доривор хомашёлар асосида дори воситаларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16–сентябрдаги ПҚ–2595 «2016–2020 йилларда фармацевтика саноатини келгусида ривожлантириш бўйича чора–тадбирлар дастури ҳақида» қарори ва 2017 йил 7–февралдаги ПФ–4947–сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида белгиланган устувор вазифаларни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий–тадқиқотлар шарҳи¹. Миокардда Ca^{2+} га боғлиқ жараёнларнинг фармакологик регуляциясини тавсифлашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан University of Alberta (Канада), University of Freiburg (Германия), New York University (АҚШ), Shihezi University (Хитой), Aichi Medical University (Япония), French Institute of Health and Medical Research (Франция), Хужайра биофизикаси институти (Россия) ва Биоорганик кимё институтларида (Ўзбекистон) амалга оширилмоқда.

Дунёда юрак–қон томир тизими касалликларини даволашда замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш йўналишида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида муҳим илмий натижалар олинган, жумладан: кардиомиоцитларда $[Ca^{2+}]_{in}$ динамикаси регуляциясининг айрим жиҳатлари аниқланган (University of Alberta, Канада; Shihezi University; Китай); L–тип Ca^{2+} –каналлари (Ca^{2+}_L –каналлари) ва Na^+/Ca^{2+} –алмашувчи функцияси модуляциясининг хусусиятлари тавсифланган (University of Freiburg, Германия; French Institute of Health and Medical Research (Франция); хужайра ички сигнал тизимларининг саркоплазматик ретикулум (СР) рианодин рецептори (RyR2) ва Ca^{2+} –АТФазаси функцияси регуляциясидаги роли аниқланган (New York University, АҚШ; Aichi Medical University, Япония); биологик фаол моддаларнинг Ca^{2+} ионлари транспорт тизимларини модуляциялаш механизмлари аниқланган (Хужайра биофизикаси институти, Россия; Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон).

Дунёда юрак–қон томир касалликларини даволашнинг замонавий ёндашувларини ишлаб чиқиш учун бир қатор устувор йўналишларда

¹ Диссертация иши мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://med-fom-cell-phys.sites...>; <http://thoracickey.com/excitation...>; <https://www.jove.com...>; <https://www.duo.uio.no/bitstream...> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: кардиомиоцитларда Ca^{2+} –транспорт тизимлари функцияси регуляциясининг молекуляр механизмларини аниқлаш; юрак–қон томир касалликлари патогенези билан боғлиқ бўлган асосий молекуляр нишонларнинг фармакологик хусусиятларини тавсифлаш; юрак касалликларини адекват даволашни таъминлаш мақсадида таргет таъсирга эга бўлган дори воситаларини яратиш учун истиқболли биологик фаол моддаларни қидириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда хорижда юрак–қон томир касалликлари ривожланиши асосида ётувчи механизмларни аниқлаш ва уларни даволашнинг адекват ёндашувларини ишлаб чиқишга кўп сондаги фундаментал тадқиқотлар бағишланган (Hausenloy D.J., Yellon D.M., Avkiran M., Marber M.S., Luo M., Anderson M.E., Kho C., Lee A., Hajjar R.J., Bers D.M., Shintani–Ishida K., Inui M., Kalogeris T., Baines C.P., Wright S.N. ва бошқ.). Кенг доирадаги юрак–қон томир касалликларининг ривожланиши ва уларни коррекциялашдаги фармакологик ёндашувларда Ca^{2+} га боғлиқ жараёнлар бузилишининг муҳим роли аниқланган (Murphy E., Allen D.G., Lee C., Dhalla N.S., Hryshko L.V., Zucchi R., Ronca–Testoni S. ва бошқ.).

Ўзбекистонда янги антиаритмик воситаларни яратишга йўналтирилган тадқиқотларга мамлакатимиз олимлари катта ҳисса қўшишган (Юнусов М.С., Джахангиров Ф.Н., Салимов Б.Т.). Сўнгги йилларда ўсимлик полифеноллари асосида кардиопротекциянинг самарали ёндашувларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда (Williams R.J., Graf B., Noad R.L., Manach C., Stevenson, D.E., Hurst R.D.). Мамлакатимиз олимларининг (Эшбакова К.А., Мавлянов С.М.) илмий ишлари таҳлили кўрсатишича, уларнинг тадқиқотлари асосан фенол бирикмаларининг антиоксидант хоссасини ўрганишга бағишланган, бу ушбу моддаларнинг фармакологик потенциални комплекс таҳлил қилиш учун етарли ҳисобланмайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий–тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институтининг илмий–тадқиқот ишлари режасининг ФА–А11–Т057 «Табиий ва синтетик биологик фаол моддаларни юқори самарали скрининг марказини ташкил этиш» (2014–2017), ФА–Ф–6–004 «Юрак–қон томир касалликларини даволашга адекват ёндашишни ишлаб чиқиш учун юрак ва силлиқ мускул хужайраларининг истиқболли нишонларини модуляциялаш механизмларини комплекс тавсифлаш» (2017–2020) мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади биологик фаол моддаларнинг (фенол бирикмалари, ликоктонин типдаги дитерпен алкалоидлар) кардиомиоцитларда Ca^{2+} га боғлиқ жараёнларга таъсир хусусиятларини тавсифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фенол бирикмалари (феноллар, флавоноидлар, полифенол) ва ликоктонин типдаги дитерпен алкалоидларнинг инотроп таъсири хусусиятларини тадқиқ қилиш;

фенол бирикмаларининг инотроп таъсир механизмларини аниқлаш, унинг таъминланишида Ca^{2+} –транспорт тизимларининг ролини ва унинг структурага боғлиқлигини тадқиқ қилиш;

фенол бирикмаларининг антиаритмик фаоллигини баҳолаш ва унинг асосида ётувчи механизмларни ҳамда унинг таъминланишида инотроп фаолликнинг ролини аниқлаш;

ликоктонин типигаги дитерпен алкалоидларнинг инотроп таъсир механизмларини аниқлаш, унинг таъминланишида Ca^{2+} –транспорт тизимларининг ролини ва структурага боғлиқлигини тадқиқ қилиш;

ликоктонин типигаги дитерпен алкалоидларнинг антиаритмик таъсирини баҳолаш, унинг асосида ётувчи механизмларни ҳамда унинг таъминланишида инотроп фаолликнинг ролини асослаш;

юрак–қон томир касалликларини даволаш ва олдини олишда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш учун асос сифатида нисбатан истиқболли номзодларни аниқлаш мақсадида фенол бирикмалари ва дитерпен алкалоидларнинг инотроп ва антиаритмик фаоллигини солиштирма таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти феноллар – пирогаллол, флороглюцин, гидрохинон, гал кислотаси; флавоноидлар – кверцетин, 3',4'–диметил кверцетин, рутин, (+)–катехин, апигенин, лютеолин, пуликарин, генкванин, куматакенин, пендулетин, ксантомикрол, цирзимаритин; (–)–эпигаллокатехин–3–*O*–галлат (ЭГКГ) полифеноли; дитерпен алкалоидлар – делькорин, делькоринин, делькозин, аяцин ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети фенол бирикмалари ва ликоктонин типигаги дитерпен алкалоидларнинг каламуш миокардида Ca^{2+} га боғлиқ жараёнларга таъсир хусусиятларини тадқиқ қилиш, уларнинг инотроп ва антиаритмик таъсири механизмларини тавсифлаш, шунингдек уларнинг структурага боғлиқлигини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Барча тажрибалар маълумотларни компьютерда йиғиш ва қайта ишлаш тизимларидан фойдаланган ҳолатда, каламуш юраги папилляр мускулнинг қисқариш ва электрик фаоллигини кайд қилиш ва таҳлил қилишнинг замонавий услублари ёрдамида амалга оширилди. Мускулнинг қисқариш фаоллигини изометрик режимда баҳоладик. Мускулнинг кучи (F), қисқариш кучининг ўсиш тезлиги ($+dF/dt_{max}$), бўшашиш тезлиги ($-dF/dt_{max}$), қисқариш–бўшашиш цикли давомийлиги (T) каби параметрларни таҳлил қилиш биз ишлаб чиққан дастур (Мусаев ва бошқ., 2009; №DGU 01873)¹ ёрдамида амалга оширилди. Амплитуда (V_m) ва реполяризация давомийлиги (X_{P50}) каби ҳаракат потенциали параметрлари таҳлили LabPro Logger Lite 1.2 (Vernier Software & Technology; АҚШ) дастури ёрдамида бажарилди. Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш OriginLab OriginPro v. 8.5 SR1 (EULA, АҚШ) дастури ёрдамида амалга оширилди.

¹ М.М.Мусаев, П.Б.Усманов, Ф.А.Рахматов, Ш.С.Хушматов. Программа для ЭВМ «Анализ кинетики мышечного сокращения» // Государственное патентное ведомство РУз. Свидетельство №DGU 01873. 18.12.2009 г. // Официальный бюллетень. – №1(9). – С.170–171.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

флавоноидларнинг мусбат инотроп таъсир механизмлари ва унинг таъминланишида β -АР→АЦ→цАМФ→ПКА сигнал каскади ва Na^+/K^+ -АТФазанинг етакчи роли аниқланган;

флавоноидларнинг манфий инотроп таъсир механизми аниқланиб, унинг таъминланишида $e\text{NOS}$ →NO→ГЦ→цГМФ→ПКГ ва Ca^{2+} -каналларининг иштироки исботланган;

флавоноидларнинг инотроп таъсир даражаси ва тавсифининг уларнинг молекуласидаги –ОН ва –ОСН₃ гуруҳлар сони ва жойлашиш ҳолатига боғлиқлиги ҳамда флавоноидларнинг антиаритмик таъсир механизми ва унинг таъминланишида инотроп фаолликнинг эҳтимоллиги мавжуд роли асосланган;

илк бор ликоктонин типидagi алкалоидларнинг инотроп таъсирининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларнинг мусбат ва манфий инотроп таъсир механизмлари тавсифланган, уларнинг таъминланишида Na^+ -каналлари ва СР да Ca^{2+} ионларининг йиғиб олиниши ва чиқиши жараёнларининг роли аниқланган;

алкалоидларнинг инотроп таъсирининг уларнинг молекуласида С(7) ва С(8) углерод атомларида гидроксил– ва дезокси– гуруҳларнинг мавжудлигига боғлиқлиги аниқланиб, делькозин ва аяциннинг мусбат инотроп таъсирининг уларнинг нисбатан юқори антиаритмик таъсири таъминланишидаги роли исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Фенол бирикмалари ва ликоктонин типидagi дитерпен алкалоидларнинг инотроп ва антиаритмик таъсир механизмлари, шунингдек уларнинг структурага боғлиқлиги аниқланган, бу маълумотлар назарий асос сифатида юрак–қон томир касалликларини даволаш ва олдини олиш учун янги самарали дори воситаларини яратишда оқилона ёндашувларни илмий асослашни таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган маълумотларнинг ишончлилиги тажрибалар натижаларини қайд қилиш, йиғиш ва қайта ишлаш, таҳлил қилиш имконини берувчи автоматик тизимлар ва замонавий электрофизиологик услублардан фойдаланилганлиги билан тасдиқланади. Ишда хулосалар замонавий математик статистика услубларидан фойдаланиш асосида чиқарилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фенол бирикмалари ва ликоктонин типидagi дитерпен алкалоидларнинг инотроп ва антиаритмик таъсири асосида ётувчи механизмлар, уларнинг таъминланишида Ca^{2+} -транспорт тизимлари ва Ca^{2+} га боғлиқ жараёнларнинг роли, шунингдек уларнинг эҳтимоллиги мавжуд фармакологик регуляциясига оид ёндашувлар ҳақидаги фундаментал тасавурларнинг ривожланишига сезиларли хисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти генкванин флавоноиди ва аяцин ҳамда делькозин алкалоидларининг инотроп ва антиаритмик таъсирини таҳлил қилиш асосида, юрак аритмияларини даволаш ва олдини

олиш учун дори воситаларининг янги авлодини яратишда нисбатан истиқболли номзодлар сифатида тавсия қилинишида ўз ифодасини топади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фенол бирикмалари ва ликоктонин типигаги дитерпен алкалоидларнинг кардиомиоцитларда Ca^{2+} га боғлиқ жараёнларга таъсир хусусиятларини тавсифлаш жараёнида олинган натижалар асосида:

генкванин флавоноиди Хитой Табиатшунослик фанлари Миллий фонди «The International Cooperation and Exchanges» лойиҳасида флавоноидларнинг инотроп таъсирини тавсифлашда фойдаланилган (Chinese Academy of Sciences, Xinjiang Technical Institute of Physics and Chemistry, 2017 йил 30 ноябрдаги 0991–3835823–сон маълумотномаси). Натижада флавоноидларнинг фармакологик таъсири таъминланишида уларнинг инотроп фаоллигини баҳолаш имконини берган;

флавоноидларнинг аниқланган инотроп ва антиаритмик таъсир хусусиятлари Хитой Фанлар академиясининг «The Central Asian Centre of Drug Discovery & Development» ва CAS TWAS scholarships лойиҳалари доирасида флавоноидларнинг хоссаларини комплекс таҳлил қилиш учун фойдаланилган (Chinese Academy of Sciences, Xinjiang Technical Institute of Physics and Chemistry, 2017 йил 30 ноябрдаги 0991–3835823–сон маълумотномаси). Натижада бир қатор флавоноидларнинг кардиопротектор хусусиятини аниқлаш имконини берган;

флавоноидларнинг биологик таъсири ҳақидаги маълумотлар юқори импакт–факторга эга хорижий илмий журналларда флавоноидларнинг кардиоваскуляр таъсирини аниқлаш учун фойдаланилган (Asian Pacific Journal Tropical Biomedicine, 2013, V.3, Journal Impact Factor, IF–0,925; Visnyk of Dnipropetrovsk University (Biology, Medicine), 2016, V.7, Global Impact Factor, GIF–0,888; World Journal of Pharmacy and Pharmaceutical Sciences, 2017, V.6, Global Impact Factor, GIF–0,629). Натижада флавоноидларнинг фармакологик таъсир хусусиятлари ва кардиопротектор таъсири ҳақида мавжуд тасавурларни кенгайтириш имконини берган;

айрим флавоноидларнинг (апигенин, лютеолин, кверцетин) Ca^{2+} га боғлиқ жараёнларга таъсир хусусиятлари ФА–Ф5–Т084 рақамли «Митохондриялар ион транспорти ва метаболит жараёнлар биорегуляторларининг меъёр ва патологиядаги таъсирини тавсифлаш» лойиҳасида флавоноидларнинг митохондрияларда ион–транспорт тизимларига таъсирини тавсифлаш учун фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 1 декабрдаги ФТК–0313/870–сон маълумотномаси). Натижада флавоноидларнинг кардиопротектор таъсирида митохондрияларнинг ролини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та халқаро ва 13 та республика миқёсидаги илмий–амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иши чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 195 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Юрак функциясининг меъёрий ва патологик молекуляр механизмлари**» деб номланган биринчи бобида охириги йиллар адабиёт маълумотлари асосида, юракнинг, кардиомиоцитларда асосий ион–транспорт тизимлари (Na^+ –, K^+ –, Cl^- –каналлари, $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ –алмашувчи, Na^+/K^+ – ва Ca^{2+} –АТФаза) структура тузилиши ва функцияси тамойиллари ҳақида маълумотлар келтирилган, адренорецепторларнинг (АР) ва ҳужайра ички сигнал каскадларининг қисқариш ва бўшашиш жараёнлари бошқарилишидаги роли ҳақидаги маълумотлар келтирилган, миокард инотропизми хусусиятлари ҳамда юрак ритмининг таъминланиши ва бузилишининг электрофизиологик механизмлари тавсифланган. Фенол бирикмалари ва дитерпен алкалоидларнинг структура тузилиши ва биологик фаоллиги ҳақидаги маълумотлар, шунингдек улардан потенциал фармакологик агентлар сифатида фойдаланиш истиқболлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кардиомиоцитлар функционал фаоллигида Ca^{2+} транспорт тизимларининг аҳамияти**» деб номланган иккинчи бобида кардиомиоцитларда ҳужайра ичида Ca^{2+} ионлари концентрациясининг ўзгариш динамикаси ҳақидаги маълумотлар келтирилган, Ca^{2+}_L –каналлари, $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ –алмашувчи, саркоlemma Ca^{2+} –АТФазаси ва СР Ca^{2+} –транспорт тизимларининг (RyR2 , Ca^{2+} –АТФаза) тузилиши ва функциясининг хусусиятлари тавсифланган.

Диссертациянинг «**Биологик фаол моддаларнинг инотроп, электрофизиологик ва антиаритмик таъсирини баҳолаш услублари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот объектлари, юрак мускулининг қисқариш ва электрик фаоллигини қайд қилиш, шунингдек моддаларнинг антиаритмик таъсирини баҳолаш услублари келтирилган, кардиомиоцитларда Ca^{2+} –транспорт тизимлари функционал фаоллигини ўрганишда экспериментал


ёндашувлар ва тажриба протоколлари ҳамда натижаларни статистик қайта ишлаш услублари тавсифланган.

Диссертациянинг «**Фенол бирикмалари ва ликоктонин типдаги дитерпен алкалоидларнинг инотроп ва антиаритмик таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида фенолларнинг (пирогаллол, флороглюцин, гидрохинон, гал кислотаси) инотроп таъсири, флавоноидлар (кверцетин, 3',4'-диметил кверцетин, рутин, (+)-катехин, апигенин, генкванин, пендулетин, ксантомикрол, лютеолин, пуликарин, куматакенин, цирзимаритин), ЭГКГ полифеноли ва ликоктонин типдаги дитерпен алкалоидларнинг (делькорин, делькоринин, делькозин ва аяцин) инотроп ва антиаритмик таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган.

Фенолларнинг инотроп таъсир хусусиятлари. Флавоноидлар ва полифеноллар молекуласида қўшимча структура фрагментлари мавжудлиги орқали уларнинг янги хоссаларга эга бўлиши қайд қилинувчи фенол хосилалари ҳисобланиши билан боғлиқ дастлаб, айрим фенолларнинг инотроп фаоллигини баҳолаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди. Бунда пирогаллол, флороглюцин, гидрохинон ва гал кислотаси каламуш юраги папилляр мускули қисқаришини сезиларли даражада камайтириши, яъни манфий инотроп таъсир (МанИТ) кўрсатиши аниқланди. Гал кислота ва гидрохинон нисбатан яққол ифодаланган МанИТ кўрсатиб, улар (150 мкМ) мавжудлигида папилляр мускулнинг қисқариш кучи 100% деб қабул қилинган назоратга нисбатан мос равишда – $61,4 \pm 4,8\%$ ва $45,4 \pm 6,8\%$ га камайиши аниқланди. Фенолларнинг бу таъсири $[Ca^{2+}]_{out}$ ионларига боғлиқ бўлиб, нифедипин (0,01 мкМ) мавжуд шароитда сезиларли камайиши аниқланди, бу натижалар уларнинг МанИТи таъминланишида Ca^{2+}_L -каналлари иштирокидан далолат беради.

Флавоноидлар ва ЭГКГ полифенолининг инотроп таъсир хусусиятлари. Навбатдаги тажрибалар сериясида флавоноидлар (кверцетин, 3',4'-диметил кверцетин, рутин, (+)-катехин, апигенин, генкванин, пендулетин, ксантомикрол, лютеолин, пуликарин, куматакенин, цирзимаритин) ва ЭГКГ полифенолининг инотроп таъсири ўрганилди. Бу тадқиқотлар дастлаб, юрак-қон томир касалликларини даволаш ва олдини олишда кенг фойдаланилувчи, фармакологик хоссалари етарлича даражада яхши тавсифланган кверцетин ва рутиннинг (Hirose et al., 1999; Obied et al., 2005) инотроп таъсирини ўрганишдан бошланди. Бунда кверцетин ва рутин икки фазали инотроп таъсир кўрсатиши ва паст концентрацияларда мусбат инотроп таъсир (МусИТ), юқори концентрацияларда эса – МанИТ кўрсатиши аниқланди. Жумладан, кверцетин 5–100 мкМ концентрация диапазонида мускул қисқариш кучини ошириши, бунда максимал 100 мкМ да назорат қийматига нисбатан $33,5 \pm 5,7\%$ га ошириши аниқланди (1,А–расм). Кверцетин юқори концентрацияларда (>100 мкМ) аксинча, мускул қисқариш кучини камайтириши, яъни 300 мкМ концентрацияда максимал $63,6 \pm 5,2\%$ га камайтириши аниқланди (1,Б–расм). Ушбу шароитда унинг ярим максимал таъсирни юзага келтирувчи концентрацияси – IC_{50} қиймати 229 мкМ, ингибитор фаоллигини ифодаловчи $pD_2(-\log IC_{50})$ қиймати – 3,64 га тенглиги

аниқланди. Шунга ўхшаш, рутин икки фазали инотроп таъсир кўрсатиши, 100–200 мкМ концентрацияда папилляр мускул қисқариш кучини ошириши ва 200 мкМ да максимал 16,4±4,5% га ошириши аниқланди, юқори концентрацияларда (>200 мкМ) эса – уни камайтириши, яъни 300 мкМ да максимал 65,5±5,8% га камайтириши аниқланди. Бунда унинг IC_{50} ва $pD_2(-\log IC_{50})$ қиймати мос равишда – 245,4 мкМ ва 3,6 га тенг ҳисобланади (1,Б-расм).



1–расм. Кверцетин ва рутиннинг инотроп таъсирининг концентрацияга боғлиқ тавсифи. А. Кверцетин ва рутиннинг мусбат инотроп таъсири. Б. Кверцетин ва рутиннинг манфий инотроп таъсири. Ордината ўқида – 100% деб қабул қилинган максимал қийматга нисбатан фоизда ифодаланган папилляр мускулнинг қисқариш кучи ифодаланган. Абсцисса ўқида – флавоноидлар концентрацияси ифодаланган. Стимуляция частотаси 0,5 Гц ($t=+36\pm 0,5^\circ\text{C}$); * – назоратга нисбатан $p<0,05$, ** – $p<0,01$ ($n=4-5$)

Генкванин, пендулетин ва апигенинда ҳам икки фазали инотроп таъсир аниқланди. Бунда ушбу флавоноидлар гуруҳида генкванин нисбатан кўпроқ ифодаланган МусИТ кўрсатиши, яъни 10 мкМ да мускул қисқариш кучини назорат қийматига нисбатан 46,2±4,78% га ошириши аниқланди. Генкванин юқори концентрацияларда (>10 мкМ) аксинча, мускул қисқариш кучини камайтириши аниқланди, яъни 100 мкМ концентрацияда қисқариш кучи назоратга нисбатан 56,7±5,4% га камайтириши аниқланди. Ушбу шароитда генкванин учун IC_{50} ва $pD_2(-\log IC_{50})$ қийматлари мос равишда – 38,9 мкМ ва 4,41 га тенг ҳисобланиши аниқланди. Шунингдек, ушбу флавоноидлардан пендулетин нисбатан юқори МанИТ кўрсатиб, 100 мкМ концентрацияда мускул қисқариш кучини назоратга нисбатан 87,5±5,3% га камайтириши аниқланди. Бунда унинг IC_{50} ва $pD_2(-\log IC_{50})$ қиймати мос равишда – 22,3 мкМ ва 4,654 ни ташкил қилади.

3',4'-Диметил кверцетин, пуликарин ва лютеолиннинг инотроп таъсирини ўрганиш жараёнида бу флавоноидлар асосан, фақат МусИТ кўрсатиши аниқланди. Бунда 3',4'-диметил кверцетин (100 мкМ), лютеолин

(50 мкМ) ва пуликарин (25 мкМ) мавжуд шароитда мускулнинг қисқариш кучи мос равишда максимал – 67,31±5,2%, 57,6±5,8% ва 34,3±5,4% га ортиши аниқланди. Шунга ўхшаш, ЭГКГ полифеноли ҳам фақат МусИТ кўрсатиб, 150 мкМ да мускул қисқариш кучини максимал 67,5±6,2% га ошириши аниқланди.


Ксантомикрол, (+)–катехин ва куматакениннинг таъсирини ўрганишда бу флавоноидлар фақат МанИТ кўрсатиши аниқланди, бунда ксантамикрол нисбатан энг кучли таъсирга эга бўлиб, 100 мкМ да мускул қисқариш кучини назорат қийматига нисбатан 84,9±6,6% га камайтириши қайд қилинди.

Олинган маълумотлар таҳлили ўрганилган фенол бирикмалари яққол ифодаланган инотроп таъсирга эга бўлиб, юрак мускулининг қисқариш фаоллигини специфик модуляциялашини кўрсатади. Бунда феноллар асосан фақат МанИТ кўрсатиши орқали юрак мускули қисқариш фаоллигини сусайтириши аниқланди. Феноллардан фарқ қилиб, ўрганилган флавоноидларнинг инотроп таъсири дозага боғлиқ тавсифга эга бўлиб, концентрацияга боғлиқ МусИТ ёки МанИТ кўрсатиши (кверцетин, рутин, апигенин, пендулетин ва генкванин) ёки фақат МусИТ (3',4'–диметил кверцетин, пуликарин ва лютеолин) ёки фақат МанИТ кўрсатиши ((+)–катехин, куматакенин, ксантомикрол ва цирзимаритин) аниқланди. Полифенол модда – ЭГКГ кенг концентрация диапазонида фақат мусбат инотроп таъсир кўрсатиши аниқланди.

Флавоноидларнинг инотроп таъсир механизми. Кўпгина фармакологик агентларнинг инотроп таъсири уларнинг турли Ca^{2+} –транспорт тизимлари фаоллигини модуляциялаши орқали кардиомиоцитларда $[Ca^{2+}]_{in}$ миқдори ўзгариши билан боғлиқ ҳисобланади (Bers, 2000). Бунда мусбат инотропларнинг таъсири кардиомиоцитларда $[Ca^{2+}]_{in}$ миқдори ортиши орқали амалга ошириб, шу билан бир вақтда манфий инотропларнинг таъсири, аксинча унинг камайиши орқали амалга ошириши кўрсатилган.

Флавоноидларнинг мусбат инотроп таъсир механизми. Кўпгина мусбат инотропларнинг таъсири кардиомиоцитларда $[Ca^{2+}]_{in}$ миқдори ортиши асосан, β –АР→АЦ→[цАМФ]_{in}→ПКА сигнал каскади активацияси орқали Ca^{2+} ионларининг мобилизацияси ва юрак мускулининг қисқариш кучи ортиши орқали таъминланиши хос хусусият ҳисобланади (Schwinger et al., 2000; Neubach et al., 2002). Буни ҳисобга олиб, ўрганилган флавоноидларнинг МусИТ асосида ётувчи механизмни аниқлаш учун уларнинг пропранолол билан β –АР блокадаси шароитидаги таъсири ўрганилди. Бунда пропранолол (10 мкМ) мавжуд шароитда кверцетиннинг мускул қисқариш кучига МусИТга 33,5±5,7% ни ташкил қилувчи назорат қийматига нисбатан 22,8±6,4% га камайиши аниқланди (2,А–расм). Пропранолол мавжуд шароитда ўрганилган бошқа флавоноидларнинг МусИТга ҳам шунга ўхшаш, бироқ турли хил даражада камайиши аниқланди. Бунда β –АР блокадаси 3',4'–диметил кверцетиннинг МусИТга нисбатан камроқ даражада таъсир кўрсатиши аниқланди, яъни 67,31±5,2% дан 61,2±3,9% га камайиши қайд қилинди (2,А–расм). Бу натижалар ўрганилган флавоноидларнинг МусИТга амалга оширишида β –АР→АЦ→цАМФ→ПКА сигнал каскади активацияси орқали

кардиомиоцитларда Ca^{2+}_L -каналдан кириши кучайиши ҳисобига $[Ca^{2+}]_{in}$ миқдори ортиши етакчи роль ўйнашини кўрсатади. Бу таҳминни текшириш учун, Ca^{2+}_L -каналларининг нифедипин билан блоккланиши шароитида флавоноидларнинг МусИТи ўрганилди. Бунда Ca^{2+}_L -каналлари блоккланиши флавоноидларнинг МусИТига турли хил даражада таъсир кўрсатиши аниқланди. Жумладан, нифедипин (0,01 мкМ) мавжуд шароитда кверцетиннинг (100 мкМ) мусбат инотроп таъсири $33,5 \pm 5,7\%$ дан $17,1 \pm 4,5\%$ га камаяди (2,Б-расм). Шунга ўхшаш, нифедипин (0,01 мкМ) мавжуд шароитда генкванин ва лютеолиннинг МусИТи мос равишда – $46,2 \pm 4,78\%$ ва $57,6 \pm 5,8\%$ дан $14,7 \pm 4,7\%$ ва $12,6 \pm 3,2\%$ га камайиши аниқланди. Ca^{2+}_L -каналларининг нифедипин билан блоккланиши нисбатан кам даражада 3',4'-диметил кверцетин эффеќтига таъсир кўрсатиши, яъни бу шароитда унинг таъсири $67,3 \pm 5,2\%$ дан $63,7 \pm 3,6\%$ га камайиши қайд қилинди (2,Б-расм).



2-расм. β-Адренорецептор блокатори пропранолол (А) ва Ca^{2+}_L -каналлари блокатори нифедипиннинг (Б) кверцетин ва 3',4'-диметил кверцетиннинг мусбат инотроп эффеќтига таъсири. Ордината ўқида – 100% деб қабул қилинган максимал қийматга нисбатан фоизда ифодаланган папилляр мускулнинг қисқариш кучи ифодаланган. Стимуляция частотаси 0,5 Гц ($t=+36 \pm 0,5^\circ C$). * – назоратга нисбатан $p < 0,05$, ** – $p < 0,01$ ($n=4-5$)

Бу натижаларнинг таҳлили ўрганилган флавоноидларнинг МусИТи асосан, $\beta-AR \rightarrow AC \rightarrow cAMP \rightarrow PKA$ сигнал каскади ва Ca^{2+}_L -каналлари активацияси ҳисобига кардиомиоцитларда $[Ca^{2+}]_{in}$ миқдори ортиши орқали таъминланишини кўрсатади. Бироқ, $\beta-AR$ ёки Ca^{2+}_L -каналлари блоккланиши шароитида айрим флавоноидларнинг МусИТи тўлиқ камаймаслиги бу таъсирнинг таъминланишида кардиомиоцитларда бошқа Ca^{2+} -транспорт тизимлари, жумладан Na^+/Ca^{2+} -алмашувчи иштирок этиши мумкинлигини кўрсатади. Маълумки, Na^+/Ca^{2+} -алмашувчи кардиомиоцитларда $[Ca^{2+}]_{in}$ миқдори регуляциясида муҳим роль ўйнайди ва бевосита, юрак


гликозидларининг МусИТи таъминланишида иштирок этади (Hoyer et al., 2011; Wang et al., 2013). Юрак гликозидларининг бу таъсири Na^+/K^+ -АТФаза ингибирланиши орқали $[\text{Na}^+]_{in}$ ионларининг тўпланиши ва $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашувчининг тескари режимда ишлаши натижасида кардиомиоцитларга Ca^{2+} ионларининг кириши орқали таъминланади. Шунингдек, флавоноидларнинг Na^+/K^+ -АТФазани ингибирлаши далилига (Umarova et al., 1998) эътибор қаратган ҳолатда, уларнинг юрак гликозиди – дигоксин билан ўзаро таъсири ўрганилди. Бунда дигоксиннинг максимал эффектив концентрацияси (3 мкМ) фонида мускул қисқариши $187,4 \pm 6,7\%$ га ортиши шароитида генкванин ва лютеолин флавоноидлари уни кўшимча оширмаслиги аниқланди. Бироқ, 1 мкМ дигоксин (унинг EC_{50} қийматига мос келувчи концентрацияси) мавжуд шароитда генкванин ва лютеолин мускул қисқариш кучини оширувчи хусусиятини сақлаши ва уни мос равишда – $25,5 \pm 4,3\%$ ва $43,4 \pm 5,7\%$ га ошириши аниқланди. Бу натижалардан келиб чиқиб, дигоксиннинг тўйинган концентрацияси мавжуд шароитда, яъни Na^+/K^+ -АТФаза фаоллиги тўлиқ сусайишида генкванин ва лютеолин МусИТ кўрсата олмаслиги, бироқ унинг қисман сусайиши шароитида уларнинг ушбу хусусияти сақланиши, лекин кам даражада ифодаланиши кузатилади. Олинган маълумотлар таҳлили генкванин ва лютеолиннинг МусИТи асосан, Na^+/K^+ -АТФаза ингибирланиши ва кардиомиоцитларда $[\text{Na}^+]_{in}$ йиғилиши орқали $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашувчининг тескари режимда ишлаши активацияси ҳисобига кардиомиоцитларга Ca^{2+} ионлари кириши орқали таъминланишидан далолат беради.

Шундай қилиб, ушбу тажрибалар натижалари ўрганилган флавоноидларнинг МусИТ асосан, $\beta\text{-AP} \rightarrow \text{AЦ} \rightarrow [\text{цАМФ}]_{in} \rightarrow \text{ПКА}$, Ca^{2+}_L -каналлари активацияси ва Na^+/K^+ -АТФаза ингибирланиши ва кардиомиоцитларда $[\text{Ca}^{2+}]_{in}$ миқдори ортиши орқали таъминланишидан далолат беради.

ЭГКГнинг мусбат инотрон таъсири механизми. ЭГКГ нинг МусИТ кўрсатиш хусусиятини ўрганишда полифенолнинг бу таъсири ўрганилган флавоноидларнинг ушбу кўринишдаги таъсиридан фарқ қилиб, $\beta\text{-AP} \rightarrow \text{AЦ} \rightarrow [\text{цАМФ}]_{in} \rightarrow \text{ПКА}$ сигнал каскади ва Ca^{2+}_L -каналлари активацияси билан кам даражада боғлиқлиги аниқланди. Ҳақиқатдан ҳам, пропранолол билан $\beta\text{-AP}$ блоккланиши ва нифедипин билан Ca^{2+}_L -каналлари блоккланиши ушбу полифенолнинг МусИТига сезиларли таъсир кўрсатмайди, бу ушбу таъсирнинг Ca^{2+}_L -каналлари орқали кирувчи Ca^{2+} ионларига боғлиқ эмаслиги, балки бошқа Ca^{2+} манбалари ҳисобига амалга ошишини кўрсатади.

Шунга боғлиқ, ушбу полифенолнинг МусИТи таъминланишида иштирок этувчи Ca^{2+} ионларининг табиатига аниқлик киритиш учун, унинг юрак мускуллари учун хос бўлган, СР га Ca^{2+} ионларининг йиғилиши ва ундан чиқишида иштирок этувчи жараёнларнинг ҳолатини баҳолашда кенг фойдаланилувчи – *пост-рест потенцияция* (ПРП) феноменига (Bers and Christensen, 1990; Bassani et al., 1994; Maier et al., 2000) таъсири ўрганилди. Бунда ПРП таъминланишида асосан, мускулнинг мунтазам кўзғатилиши шароитига нисбатан тинчлик даври вақтида СР га кўшимча йиғилиши

ҳисобига СР да миқдори сезиларли даражада ортувчи Ca^{2+} ионлари иштирок этиши кўрсатилган (Bers et al., 1993). Назорат тажрибаларда 30 секунд тинчлик вақтидан кейин папилляр мускул қисқариш амплитудаси 100% деб қабул қилинган стационар қийматига нисбатан $44,97 \pm 4,3\%$ га ортади (3,А–расм). Бунда ЭГКГ (150 мкМ) мавжуд шароитда ПРП назоратга нисбатан қўшимча $18,2 \pm 3,4\%$ га ортиши аниқланди (3,А–расм). Бу натижалар ЭГКГ мавжуд шароитда СР га Ca^{2+} ионлари қўшимча тўпланиши ва ундан чиқиши орқали мускул қисқариш кучи ортиши таъминланишини кўрсатади. ЭГКГ нинг СР да Ca^{2+} миқдорига таъсирини мускул препаратини $+37^\circ\text{C}$ дан $+4^\circ\text{C}$ гача тезда совутиш шароитида СР дан RyR2 орқали чиқувчи Ca^{2+} ионлари орқали таъминланувчи фазали қисқариш ривожланиши (Hasenfuss et al., 2002; Von Lewinski et al., 2005) шароитида бажарилган тажрибалар натижалари ҳам тасдиқлайди. Бунда ЭГКГ (150 мкМ) мавжуд шароитда муҳитни тезда совутиш таъсирида чақирилган қисқариш амплитудаси қўшимча $20,7 \pm 2,5\%$ га ортади (3,Б–расм).



3–расм. ЭГКГ нинг пост–рест потенциация (А) ва препаратни тезда совутиш ёрдамида юзага келтирилган папилляр мускул қисқаришига таъсири (Б). А. Стимуляция частотаси 0,5 Гц, тинчлик даври 30 сек. Б. Ҳарорат градиенти $+37$ дан $+4^\circ\text{C}$ гача. Ордината ўқида – 100% деб қабул қилинган максимал қийматга нисбатан фоизда ифодаланган папилляр мускулнинг қисқариш кучи ифодаланган ($t=+36 \pm 0,5^\circ\text{C}$). * – назоратга нисбатан $p < 0,05$, ** – $p < 0,01$ ($n=3-4$)

Муҳитни тезда совутиш таъсирида чақирилган қисқариш амплитудасининг ЭГКГ мавжуд шароитда ушбу ортиши бу полифенолнинг СР га Ca^{2+} ионлари тўпланиши кучайишини таъминлашидан далолат беради. Бу стимуляциясиз шароитда СР дан RyR2 орқали Ca^{2+} чиқиши активацияси ҳисобига яқка қисқаришни келтириб чиқарувчи кофеин (Bouchard, 1990; Dibb et al., 2007) билан бажарилган тажрибаларда қўшимча тасдиқланди. Бу тажрибаларда ЭГКГ (150 мкМ) мавжуд шароитда кофеин (20 мМ) юзага келтирган мускулнинг қисқариш кучи қўшимча $23,7 \pm 4,4\%$ га ортиши аниқланди. Бунда тетракаин (50 мкМ) мавжуд шароитда ЭГКГ нинг таъсири сезиларли камайиши аниқланди, бу унинг МусИТи таъминланишида RyR2

иштирокини кўрсатади. Шу билан биргаликда, тетракаин ва Ni^{2+} (10 мМ) биргаликда таъсири шароитида ЭГКГ нинг кофеин чақирган қисқаришга таъсири тўлиқ сусайиши аниқланди. Ni^{2+} ионлари мавжуд шароитда бевосита СР га Ca^{2+} ионлари йиғилишида иштирок этувчи $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашувчи функцияси (Blaustein and Lederer, 1999) сусайишини ҳисобга олиб, бу натижалар полифенолнинг ушбу жараёни фаоллаштиришининг кўшимча тасдиғи сифатида хизмат қилади.


Шундай қилиб, бу тажрибалар натижалари ушбу полифенолнинг МусИТи асосан, СР га Ca^{2+} ионларининг йиғилиши ва ундан чиқиши жараёнлари активацияси орқали кардиомиоцитларда $[\text{Ca}^{2+}]_{in}$ миқдори ортиши ҳисобига таъминланишидан далолат беради. Дигоксин, тетракаин ва Ni^{2+} ионлари мавжуд шароитда бу полифенолнинг МусИТи камайиши бу жараёнда Na^+/K^+ -АТФаза, $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашувчи ва Ca^{2+} ионлари иштирок этишини тасдиқлайди.

Умуман, ушбу тажрибалар серияси натижалари ўрганилган флавоноидлар ва ЭГКГ полифенолининг МусИТи асосан, β -АР→АЦ→[цАМФ] $_{in}$ →ПКА, Ca^{2+}_L -каналлари, Na^+/K^+ -АТФаза, $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашувчи ва Ca^{2+} ионлари иштирок этувчи жараёнлар орқали кардиомиоцитларда $[\text{Ca}^{2+}]_{in}$ миқдори ортиши таъминланиши билан боғлиқлигидан далолат беради.

